
Данғара тумани 39-умумий ўрта таълим мактабида "Бойчечак" кундузги оромгоҳ фаолиятига старт берилди.

Данғара тумани 39-умумий ўрта таълим мактабида "Бойчечак" кундузги оромгоҳ фаолиятига старт берилди.

Оромгоҳнинг очилиш тадбирида қатнашган вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Шерзод Долимов ва туман ҳокими Шухратжон Тожиҳақимов оромгоҳда болажонларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Оромгоҳдаги ўқувчилар билан суҳбатлашиб совғалар топширилди.

Ҳозирда мазкур масканда юз нафардан зиёд ўқувчилар ёзги таътилда ўзларининг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишмоқда.

Шу билан бирга, ўқувчилар инглиз тили, китобхонлик, санъат ва спорт каби ўндан ортиқ тўғараклар машғулотида фаол иштирок этишяпти.

2024-06-05 20:23:50